

Дунёда турли зиддиятларга бой, фавкулудда мураккаб иккита таълимот бўлса, шунинг биттаси тасаввуф. Бу таълимотнинг туб мохиятида Вахдат – одамларни соф ва юксак илохий бирлик туйғуси атрофида бирлаштириш ётади. Лекин ҳеч бир давр ва замонда тасаввуф нафсоний хис ва майлларни акс эттирадиган касратдан голиб чиқа олгани йўқ. Шу боис тасаввуф номи билан жуда кўп ёлгонлар тўкилган, ҳар турли сохта ҳақиқатлар, саёзлик боткогидан юзага чиққан иддаолар илгари сурилган. Аммо буларга қарши туриш ниҳоятда қийин кечган. Акс ҳолда улкан тасаввуф олими Али ибн Усмон Жўллобой Хужвирий: “Маълум бўлсинки, тасаввуф илми бизнинг замонамизда йўқ бўлиб кетмишдир. Билхосса, ҳаво ва ҳавасла машғул бўлган, ризо йўлидан юз бурган ўлкаларда аҳвол шундайдир”, деб ёзмасди. Шунга яқин мазмундаги фикрлар бошқа машҳур тасаввуф арбоблари, жумладан, Ҳожа Аҳмад Яссавий томонидан ҳам баён этилган. Натижа нима бўлган? Асрлар кечган сайин тасаввуфнинг асл мохиятидан йироқлашиш, устивор ва даҳлсиз ҳақиқатларини бузиб кўрсатиш шиддат-ла қучайиб борган. Кейинги асрларга келиб, тасаввуф фақат маъно эмас – даъво, фақат ишқ эмас – хирс, ёлғиз холислик эмас – гараз ва мунозара майдони эканлигини эътироф этишдан ўзга чора қолмаган. Йигирманчи юз йиллик, айтиш жоизки, тасаввуфшунослик учун ҳам таназзул ва сохтакорлик юз йиллиги сифатида тарихга кирди. Бунинг ҳам ўзига хос “замини” ва сабаблари бор, албатта. Биз шулардан иккитасини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс”ида ёзилишича “Ташки бир мажбурият ила такаллуф юзасидан тасаввуф ҳақида баҳс юритган гуноҳкор бўлур. Чунки бошдан ўтказилмаган, яъни яшалмаган бир нарса хусусида сўзлаш кишини йўлдан адаштирур”. Тан олиб айтмайлик, тасаввуфий ҳаётни яшамаганимиз, завқу шавқини тотмаганимиз, шу ҳаёт, шу маслакнинг қуч-қудрати, энг нозик, энг латиф сир-асрорларини тўғри идроклай олмаганимиз тўғриси нафақат тасаввуф, балки тасаввуф адабиётини билиш ва текширишда ҳам адашишлар бўлди. Ва бунинг давом топиш жараёни янада ноҳушдир. Биргина мисол келтирай.

Яқинда журналларимиздан бирида, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонига бағишланган бир мақолани ўқиб қолдим. Мутахассислар уни қандай қабул қилишди – билмадим, аммо мен, шўрлик Мажнуннинг аҳвол-руҳиясига ачиндим. Агар мажозий ишқдан илохий ишққа кўтарилиш ва ишққа фоне бўлиш сирларини очишда қайси бир олим, Ҳегел таълимоти, физикларнинг ёруғлик табиатига доир мунозараси, “биологик эволюция назарияси”, японлар барпо этган “технократ жамият”, “кентавристика” деб аталган фан соҳаси қабиларга диққатни тортганини Қайс аввалдан сезганда эди, ақл-хушини йигиштириб жунун йўлидан кечмоғи ҳам ҳеч гапмасди. Ҳар қандай ҳақиқатни бошқа ҳақиқатлар билан боғлайдиган ёхуд боғламайдиган, қиёслар мутаносиб келадиган ёки келмайдиган мохият “майдони”ни олим чуқур фаҳмламаса, қим фаҳмлайди?

Дарвоқе, мантикий, илмий масъулиятсизликларнинг юзага чиқишида тасаввуф, айниқса, тасаввуфга оид асарларнинг “айб гинаси” борлигини ҳам билиш керакка ўхшайди. Шамсиддин Накшбандий тасаввуфга доир китобларни “яланғоч чўри”га ўхшатади ва ёзади: “Чунки ул асарлар қимнинг қўлига тушса ўша қимса унга ўзининг либосини қийдирур. Мабодо улар аскар қўлига тушса – аскар қийими, хунарманд қўлига тушса – хунарманд қийими, ҳожа қўлига тушса – ҳожанинг қийими, гофил панжасига тушса – гофил қийими қийдирилур. Бу ишларнинг ҳеч бирига ул “чўри” қаршилиқ қилмас”.

Кўрдингизми, “тасаввуфшунослик” кандок “эркин” соха. Шамсиддин Накшбандий айтган “чўри”дан битта-яримтаси кўлга илиниб колса, бас – истанг сўфийлик, истанг – фалсафа, хохланг – адабиётшунослик жабхасида гумбурлатиб ёзаверасиз. Бунинг зинхор-базинхор киноя, дея англаманг. Чунки дунё микёсида ахвол шунака. Мана, яқинда хорижда чиккан “Овро-Осиё халк сўфизми” номли икки китобдан таркиб топган бир асар. У хакида батафсил тўхталиш имкони йўқ. Эхтимол, бунинг хожати ҳам йўқдир. Зеро, унинг “Ўзбекистонда халк сўфизми” деган кисмидан биргина парчани ўқиш билан бизнинг мақсад-муддаомизни англашингизга ишонамиз.

Ана ўша парча: “Бухорода чакалок киндиги кесилгандан сўнг кулогига азон ўқилурди. У ўгил бўлса отаси: “Ўғлим катта одам бўлсин, хонадон сохиби бўлиб уй курсин, эвли, юртли бўлсин”, дея 20-30 чинор дарахти кўкартирарди. Киз тугилса: “Кизим аклли бўлсин, сут соғиб катик уютсин”, деб унинг учун сигир сотиб оларди. Кулогига азон ўқиш уч кун давом киларди. Шу тарзда Оллохнинг исми ила таништириларди...”.

Мана, Сизга сўфизм ва сўфийшунослик. Бу ерда изох ортикча, албатта. Аммо тасаввур килайлик, юкори навли коғоз, чиройли муковаларда босилган шундай асарлар тасаввуфга меҳр кўйган, рост билан ёлгонни хали яхши фаркломлайдиган ёшларнинг кўлига тушиб колди. Нима бўлади? Ахир, “халк сўфизми” – кандай салмокли. Ўзига кизиктирувчи ибора. Карабсизки, халк огзаки ижодиёти кахрамонларига битта-биттадан сўфийлик “паспорти” инъом этилади...

Мен тасаввуф таълимотини чуқур ва пухта эгаллаш тарафдориман. Айни пайтда тасаввуф мавзусини эрмакка айлантириш, хамма нарсани сўфийликка тикиштиравериш, хатто Турди Фароғийга ўхшаш шоирларимиз шеъриятдан тасаввуфий маъно ва бўёқлар ахтаришга бутунлай каршиман.

Энди икки огиз сўз Хожа Насриддин ва унинг сўфийлиги борасида. Маълумки, “ЎзАС” газетасининг 8 феврал сониди Алишер Навоий ижодиётига бағишланган давра суҳбати берилган эди. Унда биз ҳам иштиок этиб, тасаввуфшуносликнинг хозирги ахволига доир айрим мулохазаларни билдиргандик. Орадан унча кўп вақт ўтмай, тасаввуфшунослик Хожа Насриддинни ҳам сўфий киёфасида кўрсатишгача борди, деган мазмундаги гапга эътироз ўларок ёзилган мурод Каримнинг ихчамгина мақоласи хафтаномада чикди. Умуман олганда, эътироз менга ёқди. Негаки, сўфийлик шарафли “тож”га менга заб колди. Истиклолимиздан олдин тасаввуф ва тарикат калимасини эшитишданок газаби кўзгайдиганлар факат Шаркимизнинг эмас, Гарбдаги машхур шахсларни ҳам тасаввуфга яқинлаштиришга ташаббускордирлар. Бас, шундоқ экан, бир олим Бенжамин Франклиннинг “ахлокий баркамоллик кодекси тасаввуф таълимоти, айникса, накшбандий тарикати билан гоьтда уйғун”, деб ёзиб чикканида кадрдон, тўғрисўз ва жасур Насриддин Афандимизни тарикатдан йироклаштириш адолатсизлик бўлмайдими? Гап шундаки, бу масалада, энг аввало, ўзимизда мавжуд матнлар, тасаввуфий эски манбаларга таянишимиз лозим.

Тасаввуфга бағишланган хар турли китобларни имкон даражасида ўқиб-ўрганиб юрганамга ҳам йигирма йилдан ошди. Майли, Шарк олимлари ва тасаввуф арбоблари яратган асарларни айтмай кўя қолай. Гарбу Шаркда тасаввуфнинг йирик билимдони сифатида эътироф этилган Р.А.-Никольсон, Л.Массиньон, Т.Арнольд, Э.Браун, А.Арберри сингари шаркшуносларнинг баъзи тадқиқотлари билан форс, усмонли турк ва рус тиллари оркали танишиб, Насриддиннинг сўфийлигини кувватловчи ёки тасдиқловчи имо-ишоратга ҳам дуч келмаганмиз.

“Мулла Насриддиннинг XIII бошлаб тасаввуф адабиёти кўлёмаларида учраши фанда

эътироф этилган”, дейилади “акс-садо”да. Ўша кўлёмалардан бирортасининг номи, муаллифи тилга олинганда жуда яхши бўларди. Бундан ташкари, “фанда эътироф этилган” дейиш – “Кимлар ва уларнинг қайси тадқиқоти ёки китобларида?” деган саволга аниқ жавобни талаб қилади. Чунки Идрис Шох ҳам “Сўфизм” номли асаридида XIII аср кўлёмалари тўғрисида сўзлайдию, аммо уларнинг хатто номларини кўрсатмайди. Бу эса шубха тугдириши табиий.

Идрис Шох балки улкан тасаввуфшуносдир. Балки унинг номи ва ишлари Гарбда машхурдир. Аммо нокамтарлик бўлса-да, айтай: мен унинг на “Сўфизм” (Москва, 1994), на ўзимизда босилган “Накшбандий тарикати” номли асарларини наинки илмий тадқиқот, балки жиддийроқ бир оммабоп иш ўрнида ҳам қабул қилолмаганман. Шунингдек, муаллифнинг мавзуга ёндашуви – холислиги, самимияти, масъулиятига ишониш ҳам анча қийиндир. Сўзимиз курук бўлиб қолмаслиги учун “Сўфизм” китобидан бир мисол келтирайлик: “Кунлардан бир кун Насриддин чойхонага кириб: “Қуёшга қараганда ой кўпроқ фойда келтиради”, дебди. Ундан: “Нечун бундай деб ўйлайсан?” дея сўрашганда у: “Чунки биз тунда ёруғликка кўпроқ мухтожмиз”, дея жавоб берибди” (102 бет).

Бу “латифа”нинг мистик тажриба ёки тажаллийга нима алоқаси борлигини сира англай билмадим. Хуллас, “Сўфизм” китобининг Мулла Насриддин “сўфийлигидан” бахс юритилган қарийб эллик саҳифали фаслидаги кўпчилик мисол ва талқинлар гирт уйдирма, ёлгон, сохтакорликдан бўлак нарса эмас.

Тасаввуфшунослик, бир қарасангиз, “улок” майдонида ўхшайди. Бир қарасангиз “қулок чўзма” ўйинини эслатади. Бировлар сўфийликни христианлик, буддавийликка қараб тортса, бошқа бировлар қадим юнон, чин, хинд фалсафасига томон тортқилашади. Яна қимлардир дахрийлик таълимотларига яқинлаштириш истагида ва хоказо. Мақсад эса, қандай қилиб бўлсада, тасаввуфни бош мохиятдан узоклаштириш, сийратдан сўнг сувратни ҳам бузиш, бир сўз билан айтганда, илдизга болта уриш. Гоҳо бундай гаразлар шу қадар билим ва мохирлик ила амалга ошириладики, беихтиёр “қойил” дегингиз қелади.

Саксонинчи йилларнинг ўратларидан бошлаб, дунёга тоаратган хинд илоҳиётчиси, хур фикр қурашчиси Бхагаван Шри Ражнишнинг русча таржимада кўплаб китоблари юртимизга келтириб сотилди. Мен ҳам улардан ўндан зиёдини олганман. 1993 йили унинг ўттиз босма табоқдан ортик “Мудрость песков” (Беседы о суфизме) номли китоби ҳам чиқди. Эътироф этиш лозимки, Шри Ражнишнинг бу асари бошқаларига нисбатан ҳам марок билан мутолаа қилинади. Чунки у фактларга бой. Муаллифнинг мушоҳада йўллари кенг. Сухбат усули ҳам ўзига хос, ҳам қутилмаган қиёс, тимсол ва мажозлар ила безантирилган. Хулласи қалом сухбатлардан сехрланасиз. Афсуски, китоб саҳифаларида яширин найрангбозликни ҳамма ҳам пайқай билмаслиги шубҳасиз. У бир ўринда, “Мен тасаввуф фалсафаси ҳақида гапирмайман. Чунки “тасаввуф фалсафаси” деган тушунчанинг ўзи йўқдир. Тасаввуф – муҳокама эмас, изтироб ва кўриш демек”, дейди.

Юзаки қаралганда, бу тўғри ҳулоса. Ислоҳ сўфийлари ҳам тасаввуфни илми ҳол ва назар қамоли, деб билишган. Шунга қарамасдан, иасаввуф фақат изтироб ва тажаллий тажрибаси деганимас. Мурид ёки солиқ ҳол ва назар қамолига етишгунига қадар муршид раҳнамолигида тарикат илмини эгаллаган, мушоҳада, мушоқаб ва машғул бўлган.

“Тасаввуф фалсафаси” деган тушунча бўлмаса, унда ваҳдати вужуд таълимоти буюқ Ибн Арабийнинг тарихий хизматлари қайда қолади?

Истақ шу: тасаввуф мавзуида чет элларда яратилган ва мамлакатимизга етиб қелаётган

хамма китоб, хамма тадкикотларга юз фоиз ишонмаслик керак. Уларга танкидий назар ила карашни хам илк ва мўътабар манбаларга таяниб, холис ниятда ёзилган, дея олмаймиз. Тасаввуфни саёз англаш, дуч келган китобдан кўр-кўрона кабул килиш илллати замондош ижодкорлар асарларини тадқику тахлил этаётган олимларнинг ишларида хам кўриниб колаётир. Бу энди бошка бир мавзу.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати,  
2002 йил, 5 апрель